





«Ўзбекистон — Ватаним маним»

ҲАММА ХИРТОЙИ ҚИЛАДИГАН ҚЎШИҚЛАР КЕРАК

Муҳаммад ЮСУФ, «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ҳайъати аъзоси, шоир.

Гуржи адибининг зўр бир гапи бор. Ундан Ватан нима деб сўрашганда: «Ватан — шунчалар азиз, муқаддаски, бу сўз айтилиши биланок, ўламга тайёр туриш керак», деб жавоб берган экан.

Биз ота-боболаримиз орзу қилган мустақил, озод Ватанда, оғзимизни тўлдириб Ватан деб айтса арзийдиган юрда яшаймиз. Бу бахтли саодатни англамоғимиз лозим.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақида қарор эълон қилинганда мен бу танлов шунчаки, мадҳиябозлик ёки дабдаба эмас, балки халқимизнинг ҳақиқий байрамига айланишига амин бўлган эдим. Биз ўзбеклар азалдан ичимдаги-

ни топ деган халқимиз. Кўпам ҳаяжонга берилар-майми. Аммо, мана шу танлов эълон қилингандан кейин, айниқса, вилоятлардаги одамларнинг ҳаракатини, жўшқинлигини кўриб жуда қувондим, юртим деб юр-тувчилар кўплигидан севи-дим.

Сир эмаски, бизга хайри-ҳоҳ қанча кўп бўлса, кўрол-майиданлар ҳам йўқ эмас. Шу маънода Ватаним, му-стақилликни удеглаб бутун халқ бир бўлиб куйлайди-ган фурсат келди. Аҳамият

бергансиз, албатта, телекўрсатувлар орқали кўрган чи-қарсиз, хоржий спортчи-лар, делегация аъзолари ўз давлатларининг маҳзиллари янтраганда унга жўр бўли-шади. Биз ҳам давлат ма-ҳиясини ёлдан, она юрт ҳа-қидаги кўшиқларни кўпроқ билишимиз, нафақат били-шимиз кези келганда ҳар қандай жойда айиб юри-шимиз керак. Мен ушбу кў-рик-танловнинг голиб кў-шиқлари ҳар бир ўзбекнинг хиргойисига айлинишини жуда-жуда истардим. Деҳ-қон ҳам, чўпон ҳам, раҳбар ходим ҳам истаган пайтда бир-бирига жўр бўлиб ай-тадиган кўшиқларнинг дояси шу кўрик-танлов бўлиб қо-лади. Бу кўрик азиз Ватан,

она тупроқ ҳақида кўшиқ-лар танлови, кўшиқчилар беллашуви эмас. Шунинг учун унда қалбда юрт меҳ-ри ва садоқати жўш урган юзлаб истеъодлар иштирок этмоқда. Аммо, негадир эл танийдиган, номдор айрим санъаткорларимиз танловда қатнашишмаяпти. Улар сов-риндор бўлолмасак уялиб қоламиз, дейишяптими, билмадим.

Бутун халққа манзур бў-ладиган кўшиқни яратиш мушкул. Ўтказилаётган тал-бирда кўплаб кўшиқлар яра-тилади ва уларнинг орасида элта манзур бўладиган, хал-қ севиб куйлайдиган кў-шиқлар бўлишига шак-шуб-ҳам йўқ. Маскур кўрик-тан-ловнинг аҳамияти беқиёс. У кўшиқчилик санъатимизда янги саҳифа очиб, кенглик-лардан ошадиган, кўнгил-ларда тошадиган кўшиқлар-га бойлиги билан қадрли-дир.

«Халқ сўзи» мухбири АЛИЖОН АБДУРАҲМОНОВ, Ёзиб олди.



Юртбошимизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан давлат автомобиль назорати инспекциялари ходимлари фаолиятига берган танқидий баҳоси дарров жойларда ўзининг кучли акс-садосини берди. Айниқса, Сирдарё вилояти ДАН бошқармаси жамоаси ўз иш йўналишини янги режа асосида қайта кўриб чиқди ва фаолиятига кескин бурилиш ясади. Йўл-патрул хизмати ходимлари ус-тидан кучли назорат ўрнатилди. Ана шундай руҳ билан ишлаётганлардан бири вилоят ДАН ходими, милиция старшинаси Олимжон Мирзақулловдир. Мирзақулловнинг қатъиятлилиги ва интизомлилиги, ўз касбининг фидойиси эканлиги ҳақида унинг ко-мандирлари ҳам тилидан бол томиб гапиряшади.


Суратда: ДАН ходими О. МИРЗАҚУЛОВ. Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.



ХИТОЙ ЯДРО СИНОВЛАРИНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИШИ МУМКИН
Хитой «ядро синови»ни вақтинча тўхтатиши мумкин. Хитойнинг ушбу таклифи Россия ва Ғарб томонидан ҳам аниқ шундай қадам қўйишни талаб қилади. Аммо, АҚШ куралини-ниш буйича комиссияси вакили Стефан Ледогар Хитойнинг бундай талаби у қадр ҳам тўғри эмас, деди. Женевада куралиси-ланиш буйича ўтказилаётган конференция иштирокчилари ядро синовларини батамом тўхтатиш учун шартнома шартларини жу-да сезкилик билан ишлаб чиқмоқдалар. Ушбу музокарада Буюк Британия, Хитой, Франция, Россия ва АҚШ сингари атом курали мавжуд давлатлар ва шунингдек, бу куралга эга бўлиш «остонасида» турган Хиндистон, Исроил ва Покистон сингари мамлакатлар иштирок этишади.

АБИОЛА ИШИ БЎЙИЧА КАТТА МУКОФОТ ВАЪДА ҚИЛИНДИ

Нигерия Президентлигида давлоғар ва бутунги кунда қамоқ-да бўлган Машула Абиоланинг хотини Қудрат Абиола но-маълум шахслар томонидан ўшқирилган эди. Полиция қўғил-тўғирисида хабар берган кишига 12 миң доллар мукофот ваъда қилиш. Бу мукофот Нигериядаги ўртача иш ҳақидан 20 мар-таба кўпроқ. Қудрат Абиола 1993 йилда ўтказилган Президе-нтлик сайловларини қонуний эканлигини тан олиш учун жуда катта тартибот ишларини олиб бораётган эди. Марҳумнинг фикрича, ўшанда унинг эри ушбу сайловда голиб чиққан эмш. Абиоланинг уша сайловдаги галабаси ҳарбий ҳуқумат томонидан бекор қилинган эди.



Ҳиндистондаги қадимий обид.

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ДУНЁ ДАРВОЗАЛАРИ ОЧИЛАДИМИ?

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Малькольм Рифкинд Мадрида бўлиб ўтган музокарадан сўнг Европа Иттифоқининг Италияда бўлиб ўтадиган навбатдаги йилги шўнага «гўшт касаллиги» муаммоси ҳал қилиниши мумкин, деб баёнот берди. Мадрид Европа Иттифоқига алоқ бўлган ва Рифкинд ташриф буорган бешинчи мамлакатдир. Ташқи ишлар вазири диплома-тик канцалар орқали ушбу муаммонинг ҳал бўлишига ишонч билдириди.

ФРАНЦУЗ АЁЛЛАРИ ТЕНГЛИК ТАЛАБ ҚИЛИШМОҚДА

Сўёсат билан шуғуллашаётган ўн нафар француз аёл мамла-кат Конституциясига сўёсатда аёлларга эрксаклар билан бир хил имконият яратиш буйича ўзгартириш киритиш талаби билан чиқяшди. Франция Бош вазири Ален Жюппе Конституцияга ўзгартириш киритиш учун референдум ўтказиш тавсия тарофарори эканлигини билдириди. Ален Жюппе ўз ҳуқумати таркибига кўп-лаб аёлларни киритишга билан хонимлар ҳўрматига сўёсвор бўлган эди. Аммо сўёсат нафар аёл ўз лавозимларидан четлашти-ришганидан сўнг Бош вазири уларнинг «нафратини» учради.

Ўзги таътил қандай ўтаётми?

КАМОЛ ТОП, БОЛАЖОН

Зангиота туман марказидаги ором-гоҳда 120 нафар ўғил-қизларга дастурхон тортилди. Кам таъмиланган оилаларнинг 70 дан ортиқ фарзандига турли соғва-салом-лар улашди.

Кичикинтойларнинг мириқиб дам олиши учун республикада кўғирчоқ театри таклиф қилинди. Шунингдек, тумандаги «Бўзсув» жамоа хўжалиги қошидаги халқ бадийи ҳаваскорлик дастаси аъзолари ҳам чиройли то-мошалар кўрсатишди.

Бундан олдинги тал-бирда — дейди туман ҳо-кимининг муовини Обло-қул, Жўраев, — кам таъминланган оилаларнинг 5 нафар фарзандига 1000 сўмдан пул ўткази-либ, омонат дафтарчалари очган эди. Бу пуллар болалар балоғат ёшига ет-гандан кейин берилади. Айни пайтда болаларнинг ёзги таътилини ма-зунди ва мароқли ўтқа-зиш ҳаракатидамиз. Бар-ча мактабларда соғлом-лаштириш оромгоҳлари ташкил этилган. Бўзсув-нинг сўлим қирғоғида «Олмазор» оромгоҳи қайта таъмирланиб, мак-таб ўқувчилари ихтиёри-га бериб қўйилди. Ором-гоҳ жами уч навбатда 500 га яқин болани ўз бағри-га олади.

Қ. ПОЗИРОВ.



— Ҳуқуматнинг ушбу қа-роридан кутилган мақсад автомобил, темир йўл, ҳа-во транспортлари ва алоқа соҳаларида бозор муноса-батларини шакллантириш чоғида айрим фаолият тур-лари билан шўғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) бериш тартиб-қоидаларини янада тако-миллаштиришдир. Тақдим этилган материалларни кў-риб чиқиш ва лицензия бе-ришни ташкиллаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси-да махсус комиссия тўзил-ган. Унинг ишини оқилона ва самарали ташкил этиш мақсадида тармоқлар буйи-ча ёрдамчи комиссиялар, шунингдек, доимий ҳара-катдаги ишчи гуруҳлари тў-зилиб, тасдиқланди.

Автомобиль транспор-тида юк ва йўловчиларни та-шиш фаолияти, ҳаракат ҳа-вофизлигини таъминлаш, автомобиль транспорти объек-тларидан фойдала-нишда экология норма-ларига амал қилиш, автотра-нспорт хизмати бозорининг маромида ишланиш, шу

Бизнинг шарҳ АВТОТРАНСПОРТДА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ — У НИМА БЕРАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил май ойида «Транспорт ва алоқа соҳаларидаги фаолиятга оид Низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ транспорт ва алоқа корхоналари (ташкilotлари), мулк шаклидан қатъий назар, шу йил 1 сентябрга қадар ўз фаолиятлари юзасидан махсус рухсатнома (лицензия) олишлари лозим. Мухбиримиз Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси бошқаруви раиси Л. Аҳметовдан қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва ижроси қандай кенаятганини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

хизматдан фойдаланувчи-ларнинг манфаатларини ҳи-мо қилиш мақсадида ли-цензияланмоқда. Автомобиль транспорти-да юк ва йўловчиларни та-шишининг қуйидаги тур-лари лицензияланади: — шаҳарда, шаҳар атро-фида, шаҳарлараро ва хал-қаро йўловчилар ташиш; — шаҳарда, шаҳар атро-фида, шаҳарлараро ва хал-қаро юк ташиш; — автовокзал, автостан-ция ва автокаскалар фао-лияти; — республика ичида тра-нспорт-экспедиция хизма-ти; — халқаро транспорт-экспедиция хизмати. Лицензия олиш учун Ва-зирлар Маҳкамасининг ко-миссиясига қуйидаги ҳуж-жатлар тақдим этилади:

- а) белгиланган шаклда ариза; б) таъсис ҳужжатлари ёки уларнинг тасдиқланган нусхаси; в) корхонада мавжуд бўлган ҳаракатдаги автотра-нспорт воситаларининг тур-и, русуми ва сони, шунин-гдек, юк ортиш-тушириш механизми, омборхона-лар, майдонлар, ҳаракатда-ги састава техника хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш по-стлари, билет босиш аппа-ратлари, йўловчилар учун кутиб жойларининг мав-жудлиги ва аҳволи, объект-лар, бинолар, ерусти ин-шоотлари ва ускуналарининг лицензияланган фаолият билан шўғулланишга тайёр-лиги ҳамда бажариладиган ишга қараб бошқа зарур маълумотлар; г) лицензия бериш учун

йиғимлар тўланганлиги ҳа-қидаги ҳужжатлар. Халқаро юк ташиш хиз-матларини бажариш учун лицензия бериш чоғида корхона (ташкilot)ларнинг бу ишга профессионал жи-ҳатдан яроқли эканлигини тасдиқловчи қўшимча ҳуж-жатлар ҳамда ташқи иқти-содий алоқалар иштироки-чи эканлиги ҳақидаги гу-воҳнома нусхаси талаб қилинади. Ушбу ҳужжат ва гувоҳнома нусхаси ҳамда «в» бандида кўрсатилган маълумотлар «Ўзавтотранс» корпорациясининг экспорт хулосаси билан қўшиб тақ-дим этилади. Корхона (ташкilot)лар, мулк шаклидан қатъий на-зар, лицензия олиш учун юқорида кўрсатилган ҳуж-жатларни қуйидаги манзил-да жойлашган доимий ҳа-

ЎЗЖИХОЗБУТЛАШ А.Ж.
қурилайтган ва қайта қурилайтган ичиноотларни барча турдаги жиҳозлар ва маҳсулотлар билан бутлайди.
Қуйидаги мавжуд маҳсулотларни келишилган нарҳларда сотади:
- кабелъ - ўтказгич маҳсулотлари;
- ёпишга қарши воқитлар;
- юқори ва пастқучланцишли аппаратлар;
- грўвдик техникаси, асбобга оид маҳсулотлар;
- кўбур-арматураларига оид маҳсулотлар;
- ласослар, ҳаво тўзалогичлар, қадориферлар ва бошқалар.
(3712)
78-52-43,
78-57-43,
78-96-56.

ОНИКС А.Ж.
ТОШКЕНТ "МИКОНД" ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллиги арафасида қуйидагиларни маълум қилади:
1996 йил 10 июндан 5 сентябргача қандиллар, девор ёрғитини (бра)лари, стол лампаларининг нарҳлари 15 дан 25 фоизгача камаятирилади.
Сизнинг хоҳиши ва лойиҳангиз буйича тайёрланадиган биллар ёритгичлар учун буюртмалар қабул қилинади.
ГОЯ СИЗДАН - ТАЙЁРЛАШ ВИЗДАН!
Мулоқот учун телефонлар:
18-19-87, 18-52-11.

TASHKOCAUTO
- Тошкентдаги омбордан ТОФАШ - "ФИАТ-ТЕМПРА", "ДОГАН", "КАРТАЛ" автомобилларини СОТАДИ
- Кафолатли таъмирлаш муддати бир йил, сервис хизмати кўрсатилади.
Манзил: Тошкент ш. Ойбек шоҳ кўчаси 47.
Телефонлар: 54-99-27, 33-83-27.
Факс: 89-13-61.
TOFAŞ FIAT
"ТАШКОЧАВТО" ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЎЗБЕКМАШСЕРВИС
Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси
Тошкентдаги омборидан
- АМЖК-8 мини-трактори;
- МАЗ-83781 маркали тиркама.
Двигателлар:
- ЯМЗ-238-2М;
- Д-245.
Республикада МАЗ-5551 самосваллари, МТЗ ва ЮМЗ тракторлари ва "БОРЕКС" экскаваторларини сотади.
Тўловлар сўмларда ҳисобга ўтказиш ҳамда вексел орқали амалга оширилаверади.
Манзил: Тошкент, Кафанов-Нукус мавзеси, 3.
Телефонлар: 54-99-19, 54-62-09, 54-07-80.
Факс: 54-99-11.
ЎЗБЕКМАШСЕРВИС - МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.

